



ЧАРМ-ПОЙАБЗАЛ ТАРМОҒИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Отаниёзов Орифжон Отахонович

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

ORCID: 0009-0001-6252-0701

orifdjon@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада “Ўзчармсаноат” уюшмаси таркибидаги чарм, мўйна хом ашёси ва жун тайёрлаш, сақлаш ва қайта ишлаш, чорва моллари, жун, қорақўл ва сунъий чармдан буюмлар, чарм-атторлик маҳсулотлари, пойабзал ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи ташкилот ва корхоналарнинг, ривожланиш йўналишлари ва ўзига хос жиҳатлари баён этилган.

Калит сўзлар: чарм-пойабзал, чарм, мўйна хом ашёси ва жун тайёрлаш, сақлаш ва қайта ишлаш, чорва моллари, жун, қорақўл ва сунъий чармдан буюмлар, чарм-атторлик маҳсулотлари, пойабзал.

НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ И ОСОБЕННОСТИ КОЖАНО-ОБУВНОЙ СЕТИ

Отаниёзов Орифжон Отахонович

Ташкентский институт текстильной и легкой промышленности

Аннотация. В данной статье рассмотрены направления развития организаций и предприятий, занимающихся производством, хранением и переработкой кожи, мехового сырья и шерсти, животноводства, шерсти, изделий из черной кожи и искусственной кожи, кожаных изделий, обуви, в пределах Описаны ассоциация «Узчармсаноат» и конкретные аспекты.

Ключевые слова: кожобувь, кожа, меховое сырье и заготовка шерсти, хранение и переработка, животноводство, шерсть, кожгалантерея и искусственная кожа, кожанно-покровные изделия, обувь.

DEVELOPMENT DIRECTIONS AND SPECIFIC ASPECTS OF THE LEATHER-SHOE NETWORK

Otaniyozov Orifjon Otakhonovich

Tashkent Textile and Light Industry Institute

Annotation. In this article, the development directions of the organizations and enterprises involved in the production, storage and processing of leather, fur raw materials and wool, livestock, wool, black leather and artificial leather products, leather-attorney products, footwear, within the association "Uzcharmsanoat" and specific aspects are described.

Key words: leather-shoes, leather, fur raw materials and wool preparation, storage and processing, livestock, wool, leather goods and artificial leather, leather-attorney products, shoes.

Кириш.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган иқтисодийнинг реал сектори корхоналарини модернизация қилиш бўйича олиб борилаётган ислохотлар муҳим тузилмавий тармоқларни ривожлантиришга йўналтирилган. Мана шундай тармоқлардан бири енгил саноатдир, у комплекс тармоқ ҳисобланиб, таркибида уч гуруҳга бирлаштирилган 20 дан зиёд тармоқлар мавжуд: тўқимачилик, хусусан ип газлама, жун, ипак, трикотаж ҳамда жунга бирламчи ишлов бериш, нотўқима материаллар ишлаб чиқариш, тўр тўқиш саноати, тўқимачилик галантереяси саноати, тикувчилик, чарм-тери, мўйна ва пойабзал.

Бугунги кунда мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, чарм-пойабзал тармоғини жадал ривожлантиришга қаратилган мақсадли дастурлар изчил амалга оширилиб келинмоқда. Ушбу мақсадли давлат дастурларининг самараси бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 53,9 фоизга етганлигида ўз аксини топади. Ушбу кўрсаткич 2000 йилда 31,0 фоизни 2020 йилда эса 52,5 фоизни ташкил этганлиги айтиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Республикаимизда ҳозирги вақтда тўқимачилик саноатини янада ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилиб, сифат менежменти тизимини жорий этиш, бошқаришда инновацион усулларни қўллаш борасида кенг кўламдаги амалий ишлар қилинмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида "...иқтисодий тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислохотлар" устувор йўналиш сифатида белгиланди (Фармон, 2022).

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида мамлакатимизда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ривожлантириш, чарм-пойабзал тармоғини, соҳа корхоналарининг инвестиция ва экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида республикада ишлаб чиқарилаётган пахта толаси тўлиқ ва ип калаванинг 45 фоизи қайта ишланмоқда. Шунингдек соҳанинг экспорт салоҳияти 3,2 миллиард доллардан ошди (Фармон, 2023).

Пойабзал маҳсулотлари инсонларнинг кундалик турмуш-фаолияти учун энг зарур компонентлар қаторидан муҳим ўрин эгаллаган. Пойабзал ҳозирги замон кишиси уст-бошининг ажралмас ва муқобили бўлмаган атрибути ҳисобланади. Шундай экан, ҳар бир мамлакатда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам пойабзал бозорининг мавжуд бўлиши шартдир. Агар Ўзбекистоннинг иқлим ва ижтимоий шароитларидан келиб чиқадиган бўлсак, аҳоли жон бошига талаб этиладиган мувофиқ истеъмол меъёри ўртача 2,6 жуфт пойабзалга тўғри келади, у ҳолда бизнинг ҳисобларимизга кўра, пойабзал ички бозори ҳажми натурал ифодаланганда (маҳсулот ифодасида) бир йилда ўртача 74 млн. жуфт пойабзални, қиймат кўринишида – 3786 млрд. сўм ёки 2 млрд. АҚШ долларини ташкил этади.

Агар керакли пойабзалнинг ярми, бу эса тахминан бир йилда 37 млн. жуфтга тенг, республикада ишлаб чиқариладиган бўлса, 2 млн. одамни иш билан таъминлаш мумкин бўлар эди. Албатта, ҳеч бир тармоқ яқин йиллар ичида бунча миқдорда иш жойини таъминлаб бера олмаслиги муқаррар. Пойабзал бозорининг шу қадар муҳим аҳамиятга эга эканига қарамай, Ўзбекистондаги расмий статистик маълумотлар, ҳақиқатда, мазкур тармоқда захиралардан етарли даражада фойдаланилмаётганлигини ва ўсиш салоҳияти ҳам мавжуд имкониятлар даражасидан анча пастлигини кўрсатмоқда. Пойабзал ишлаб чиқариш, умуман, табиий чармга ишлов бериш санъати Ўзбекистонда анъанавий ҳунармандчилик тармоғи ҳисобланади. Бу, биринчи навбатда, ҳудуднинг бой хом ашё базаси билан боғлиқ. Чарм-пойабзал тармоғининг асосий хом ашёси қорамол ва қўй-эчки териси ҳисобланади, улар ички бозорда етарли миқдорда мавжуд.

Республикада бир йилда ўртача 11,0 млн. дона тери хом ашёси, шу жумладан 7,0 млн. бош қўй-эчки ва 4,0 млн. бош қорамол териси олинади³².

Бироқ маҳаллий хом ашёни бевосита пойабзал саноатида ишлатиладиган тайёр чарм сифатида қайта ишлаб берадиган базанинг етарли даражада ривожланмагани сабабли улардан тўлиқ фойдаланилмайди ва хусусий йўллар орқали арзон нархларда четга чиқариб юборилади. Шунингдек, бугунги кунда сифатли пойабзал ишлаб чиқариш учун республикага юзга яқин турдаги асосий ва қўшимча материаллар, яъни кимёвий моддалар, бўёқлар, фурнитура, пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқаришда керакли бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар чет эллардан келтирилади. Ҳозирги кунда уларнинг етишмаслиги туфайли фаолият кўрсатаётган пойабзал саноати корхоналари тўлиқ қувватининг фақат 30–40%дан фойдаланмоқда. Тармоқ тараққиёти суръатларини ушлаб турувчи яна бир муҳим сабаб ишлатилаётган ускуналарнинг ҳолатидир. Корхоналарнинг асосий фондлари ҳам маънавий, ҳам жисмоний жиҳатдан эскириб кетган, хизмат муддати 40 йил ва ундан ҳам ошган ускуналардан фойдаланилмоқда. Ҳозирда пойабзал тармоғи олдида ишлаб чиқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш асосида ўз маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш йўллари фаол излаш масаласи кўндаланг турибди. Фақат самарали янгиликларни жорий этиш орқали маҳаллий маҳсулотларга ишончли ва доимий талабни таъминлаб берувчи рақобатбардош маҳсулотлар бозорини яратиш мумкин, бу эса ўз навбатида, Ўзбекистон чарм пойабзал саноатини жаҳон даражаларига кўтарилишига сабаб бўлади.

Адабиётлар шарҳи.

Тадқиқот натижаси кўрсатадики иқтисодиётни модернизация қилиш шароитларида саноат корхоналари самарадорлигини оширишнинг назарий ва методологик масалалари иқтисодчи олимлар томонидан турлича ёндашувлар шакллантирилган.

Чарм-пойабзал маҳсулотлари самарадорлигини таъминлашда ривожланиш стратегиясини тўғри танлаш муҳим ўрин тутди.

Ансофф (1999) стратегияни ташкилот ўз фаолиятида риоя этадиган қарорларни қабул қилиш учун қоидалар тўплами сифатида таърифлаган. Унинг концепциясига асосан корхонанинг умумий стратегияси ресурслардан қандай фойдаланиш кераклигини белгилайди, бозорлар, ривожланиш йўналишлари, рақобат устунликлари, кутиладиган синергияни қайд этади.

Дубиновскийнинг (2016) хулосасига кўра, чарм корхоналарида маҳсулотлар ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлаш учун хом-ашё базасини ривожлантириш ва унинг сифатини ошириш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш, чарм ишлаб чиқариш корхоналарини фаолият юритиши учун самарали бозор муҳитини яратиш, чарм маҳсулотлари истеъмолчиларининг юқори даражада ривожланган бозорини шакллантириш.

Бланшарнинг (2010) фикрига кўра, маҳсулотлар ишлаб чиқариш самарадорлигини баҳолашда асосий эътибор меҳнат унумдорлигига қаратилиши лозим. Ўз навбатида, меҳнат унумдорлигини ошириш инсон капиталига қилинадиган инвестициялар даражасига боғлиқ. Қайси мамлакат кўп жамғарса ва таълим соҳасига катта инвестиция қилса, ўша мамлакатда битта ходимга тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот даражаси шунчалик юқори бўлади.

Саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш, саноат тармоқлари, хусусан енгил саноат корхоналари фаолиятининг ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлаш, бозор иқтисодиёти талабларини эътиборга олган ҳолда, уларнинг бошқарув таркибини

³² «Ўзбекчармпойабзали» уюшмасининг 2005–2011 йиллар учун ўртача йиллик маълумотлари.

такомиллаштириш, шунингдек, саноатнинг техник-технологик салоҳиятини ошириш муаммолари маҳаллий ва бошқа олимларнинг ишларида чуқур ифодасини топган.

Тадқиқот методологияси.

Чарм-пойабзал тармоғини ривожлантиришда олимлар ва соҳа вакиллари билан суҳбат, уларнинг ёзма ва оғзаки фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиш, эксперт баҳолаш, жараёнларни кузатиш, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга тизимли ёндашув, муаллиф тажрибалари билан қиёсий таҳлил ўтказиш орқали тегишли йўналишларда хулоса, таклиф ва тавсиялар берилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Бугунги кунда республика чарм-пойабзал саноати жадал ривожланмоқда. Бу соҳадаги муҳим йўналишлар тайёр маҳсулотлар бозорида ҳам, хом ашё бозорида ҳам импорт ўрнини босишга қаратилмоқда.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида чарм-пойабзал саноати соҳасидаги ислохотларнинг асосий мақсад ва вазифалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 23 февралдаги «Республика иқтисодиётининг чарм-пойабзал тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонида аниқ белгилаб берилган (Фармон, 2000). Натижада янги-янги корхоналар ташкил этилди, замонавий технологиялар жорий қилина бошланди. «Ўзбекчармпойабзали» чарм, мўйна ва пойабзал корхоналари уюшмасининг ташкил этилиши билан республика пойабзал саноати, аста-секинлик билан бўлса-да, қайта тиклана бошлади.

«Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси таркибида 252 та корхона бўлиб, уларнинг 73 таси турли вилоятларда жойлашган чарм, тери хом ашёси тайёрлаш корхонаси, 45 та чарм хом ашёсини қайта ишлаш, 129 та пойабзал ишлаб чиқариш, 4 та чарм-галантерея корхонаси ва битта сунъий тери ишлаб чиқариш корхонасидан иборат.

«Ўзбекчармпойабзал» уюшмаси таркибидаги корхоналар чарм, тери хом ашёсини тайёрлаш ва қайта ишлаш, пойабзал ва чарм-галантерея буюмлари ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Уюшма таркибидаги корхоналарда пойабзаллар, асосан, табиий чармдан ишлаб чиқарилади. Айнан мана шу сабабли ҳам уларда ишлаб чиқарилган пойабзалларнинг нархи нисбатан қиммат, модомики сунъий теридан тайёрланган пойабзаллар 1,5–2 мартаба арзонроқ бўлади. Шунингдек, гарчи ресурс база маҳаллий чарм хом ашёсидан иборат бўлса-да, уюшма таркибида тери тўплаш, уни ошлаш ва тайёрлаб бериш билан шуғулланувчи тармоқ (13 вилоят ва 112 туман савдо-тайёрлаш ташкилотлари) фаолият кўрсатмоқда.

Чарм-пойабзал тармоғининг асосий хом ашёси қорамол ва қўй-эчки териси ҳисобланади. Ушбу тери хом ашёси ички бозорда етарли миқдорда бўлса-да, бироқ жуда паст нархларда хорижга чиқариб юборилмоқда. Республикада бир йилда ўртача 11,0 млн. дона тери хом ашёси, шу жумладан 7,0 млн. дона қўй-эчки ва 4,0 млн. дона қорамол териси олинади.

Модернизация шароитида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 майдаги ПҚ-3693-сонли “Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига асосан, «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси «Ўзчармсанот» уюшмаси (кейинги ўринларда Уюшма деб юритилади) этиб қайта ташкил этилди (Қарор, 2018).

“Ўзчармсанот” уюшмаси таркибига чарм, мўйна хом ашёси ва жун тайёрлаш, сақлаш ва қайта ишлаш, чорва молларини автоматлаштирилган ҳолда сўйиш, жун, қоракўл ва сунъий чармдан буюмлар, чарм-атторлик маҳсулотлари, пойабзал ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи ташкилотлар, шунингдек, бошқа ташкилотлар ихтиёрий равишда кирган ҳолда, фаолият олиб бормоқда.

Бугунги кунда Уюшма таркибида жами 511 та ишлаб чиқариш корхоналари бўлиб, жумладан:

- * 35 та чарм ишлаб чиқарувчи корхоналар
- * 250 та пойабзал ишлаб чиқариш корхоналари;
- * 55 та чарм-атторлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари;
- * 51 та чармдан кийим ишлаб чиқарувчи корхоналар;
- * 95 та автоматлаштирилган замонавий қушхоналар;
- * 25 қоракўл ва жунни қайта ишлаш корхоналари.



1-расм. “Ўзчармсаноат” уюшма тизимидаги корхоналарнинг ишлаб чиқариш маҳсулот турлари

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Сўнгги йилларда республикаимиз ҳукумати томонидан чарм-пойабзал соҳасига кўрсатилаётган эътибор ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чоралари, шунингдек, соҳа ишлаб чиқарувчиларининг иштиёқи ва ишбилармонлиги натижасида, чарм-пойабзал тармоғи юқори суръатлар билан ривожланиб бораётганига гувоҳ бўляпмиз.

Бизнес муҳитини яхшилаш ва жаҳон молия тизимида интеграция бўлиш мақсадида миллий иқтисодиётимизни тубдан ислоҳ қилиш шароитида чарм-пойабзал индустриясида рўй бераётган ижобий ўзгаришлар чет эллик ҳамкорлар ва инвесторларнинг кўпроқ жалб қилмоқда.

Уюшма таркибига кирган корхоналар томонидан сифатли, истеъмолчилар учун қулай ва харидоргир бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини тизимли ва изчил равишда ташкил қилиш чоралари кўрилди, шунингдек мамлакатимиз аҳолисини зарур чарм-пойабзал маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича зарур тадбирлар амалга оширилди.

1-жадвал

Чарм пойабзал ва мўйначилик маҳсулотлари 2022-2024 йиллар бўйича асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ва мақсадли параметрлари тўғрисида

№	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	2022йил факт	2023йил якуни	2024йил режа
1	Товар маҳсулоти (солиштирма нархларда)	млрд.сўм	5530,8	7696,9	11511,9
2	Чарм маҳсулотлари	млн.кв.дм	2179,4	2470,9	2772,0
3	Пойабзал ишлаб чиқариш	млн.жуфт	205,3	246,4	306,2
4	Чарм атторлик маҳсулотлари	млрд.сўм	120,3	153,7	214,5

1-жадвал маълумотларини таҳлил қиларканмиз ўтган 2023 йил якуни бўйича:

7696,9 млрд. сўмлик товар маҳсулотлари (ўсиш 117,5%); 2470,9 млн. кв. дм. чарм маҳсулотлари (141,2%); 246,4 млн жуфт пойабзал маҳсулотлари (136,2%); 153,7 млрд. сўмлик чарм атторлик (113,5%) маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Бу кўрсаткичлар салмоғининг ошиши 2024 йилда мақсадли параметрлари режалаштирилган

Таҳлилларга кўра, Ўзбекистонда пойабзалга бўлган талаб йилдан йилга ошиб бормоқда. Ушбу вазифанинг ечимини топиш мақсадида маҳаллий хом ашёдан фурнитура, ёрдамчи ва бутловчи материаллар ҳамда бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича тармоқ дастури ишлаб чиқилди. Уюшманинг чарм хом ашёсини қайта ишловчи корхоналари томонидан ҳар йили 500 млн. кв.дм дан ортиқ чарм товарлар ишлаб чиқарилади ва қайта ишланади ва ушбу маҳсулотларнинг экспорт ҳажми 20,0 млн. АҚШ долларини ташкил этади. Республиканинг пойабзал ва чарм-галантерея корхоналарида йилига умумий миқдори 25,0 млрд. сўмлик 17,0 млн.дан зиёд жуфт юқори сифатли пойабзал, замонавий чарм кийим-кечаклар ва чарм-галантерея буюмлари ишлаб чиқарилмоқда.

Ҳозирги кунда мамлакат чарм пойабзал саноатида ўсиш динамикаси кузатилмоқда ва унинг ривожланишидаги муҳим йўналишлардан бири тайёр маҳсулотлар бозорида ҳам, хом ашё бозорида ҳам импорт ўрнини эгаллаш ҳисобланади. Тармоқ корхоналарида барча турдаги махсус пойабзаллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган, аёллар, болалар ва ўсмирлар учун замонавий пойабзаллар ишлаб чиқариш кенгаймоқда.

Пойабзалнинг вазифасига кўра, бозор таркибида унинг ярмидан ортиғини (55%) кундалик пойабзал ташкил этади. Кундалик пойабзал улушининг катталиги нафақат маҳаллий бозор учун, балки ҳар қандай мамлакат бозори учун ҳам хосдир. Иккинчи ўринни спорт пойабзали эгаллайди (13%), у мамлакат ёшлари ўртасида кундалик пойабзал сифатида ҳам оммалашган. Модабоп пойабзал улуши ҳам тахминан шунчага тенг (12%). Бу, асосан, аёллар ва қизлар пойабзали ҳисобланиб, анъанавий ўзбек оилаларида қизлар сепининг (турмуш қураётганда қизнинг ота-онаси ёки қариндошлари томонидан бериладиган мулк) таркибий қисми ҳисобланади. Махсус пойабзаллар улуши – 8%, хонаки – 7%га тенг. Сафар пойабзали улуши энг кам бўлиб, 5%ни ташкил этади.

Пойабзал бозорининг қиймат таркиби миқдор таркибидан бироз фарқ қилади. Бизнинг ҳисобларимизга кўра, бозорнинг қиймат ҳажмида туфлилар улуши катта (31%). Шу билан бир қаторда, сандалларнинг улуши 17%га, ярим ботинкалар – 18%, ботинкалар – 14%, этиклар – 16% га тенг. Бунда ёш-жинс таснифида аёллар ва эркаклар пойабзали улуши қиймати бўйича фарқ қилади, вазифаси бўйича модабоп ва махсус пойабзаллар миқдор кўрсаткичларига кўра фарқланади. Маҳсулот қиймат ҳажми таркибининг бундай бўлишига сабаб ички пойабзал бозори таъминотчилари томонидан белгиланган пойабзаллар нархидаги тафовут ҳисобланади.

2-жадвал

2020-2022 йилларда аҳолининг ўртача йиллик таркиби, %ҳисобида

Жами аҳоли	100,00
Жумладан	
18 ёш ва ундан катта; ҳаммаси	58,9
18 ёш ва ундан катта; эркаклар	28,9
18 ёш ва ундан катта; аёллар	30,0
13-17 ёш; ҳаммаси	12
13-17 ёш; эркаклар	6,1
13-17 ёш; аёллар	5,9
7-12 ёш; ҳаммаси	14,4
5-6 ёш; ҳаммаси	4,3
0-4 ёш; ҳаммаси	10,4

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида.

Ҳозирда республикада пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уни сотиш билан қўйидаги корхоналар шуғулланмоқда:

- “Ўзчармсаноат” уюшмаси таркибига кирувчи корхоналар;
- Уюшма таркибига кирмаган, шунингдек ҳудудий тасарруфдаги корхоналар;
- давлат рўйхати гувоҳномаси асосида пойабзал ишлаб чиқариш ёки тикиш билан шуғулланувчи хусусий тадбиркорлар;
- импорт қилувчилар;

Шунингдек, импорт хом ашёси харидини сезиларли тарзда қисқартиришга эришилди. Аввал ҳам таъкидлаб ўтганимиздек, мамлакатда пойабзал ишлаб чиқариш учун зарур бўлган тагчарм ва елимдан ташқари барча зарур бутловчи материалларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда, бугунги кунга келиб ушбу товарлар ҳажмини ошириш бўйича кўламли ишлар олиб борилмоқда. Яқинда қолип ишлаб чиқариш ишлари бошлаб юборилди. Маҳаллий корхоналар синтетик материаллардан фақат тагчарм ишлаб чиқаришда фойдаланмоқдалар, пойабзал ишлаб чиқаришда эса фақат табиий материаллар ишлатилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 февралдаги ПФ-5653-сонли “Ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони (Фармон, 2019), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 февралдаги 125-сонли “Ўзбекистон Республикаси давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ахборот хизматлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак!” деган ғоя асосида давлат ва жамият ҳаётидаги муҳим масалалар бўйича ўтказиладиган матбуот анжуманларининг 2019 йил I ярим йиллик режаси” ижросини сўзсиз ва ўз вақтида таъминлаш мақсадида, “Ўзчармсаноат” уюшмаси томонидан жорий йилнинг I чорагида қатор тадбирлар тизимли ва самарали равишда амалга оширилди (Қарор, 2018).

Жумладан, “Ўзчармсаноат уюшмаси аъзоларининг умумий йиғилишлари ва “Ўзчармсаноат уюшмаси Бошқарув йиғилишларида чарм, мўйна хом ашёси ва жун тайёрлаш, сақлаш ва қайта ишлаш, чорва молларини автоматлаштирилган ҳолда сўйиш, жун, қоракўл ва сунъий чармдан буюмлар, чарм-атторлик маҳсулотлари, пойабзал ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи ва бошқа ташкилотларни қонунчилик талаблари асосида қўллаб-қувватлаш масалалари муҳокама қилиб борилди ҳамда Уюшма аъзолари — ташкилотларнинг мамлакатимизда ва чет давлатларда ўтказилган халқаро кўргазмалар ва ярмаркаларда иштирок этишлари самарали ташкиллаштириб борилди

ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида юзага келаётган муаммоларни ҳал этиш чоралари кўрилди.

Хулоса ва таклифлар.

Юқорида келтирилган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, Шунингдек, тадбиркорлик субъектларига чарм-пойабзал ва мўйначилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда, корхоналарда илғор технологияларни, халқаро стандартлар талабларига мувофиқ сифат менежменти тизимини татбиқ этишни рағбатлантиришда, Уюшма аъзолари ташкилотларни модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашда, уларнинг экспорт салоҳиятини оширишда ва экспорт географиясини кенгайтиришда ҳар томонлама услубий ва амалий ёрдамлар кўрсатилди.

1. Кейинги йилларда мамлакатимизда кичик бизнесни ривожлантиришда уларнинг имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш, чарм-пойабзал корхоналарга инновацияларни жорий этишни рағбатлантиришга қаратилган янги тизимнинг ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ. Бу борада мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали макроиқтисодий барқарорликка эришиш учун замин яратади.

2. Ишлаб чиқиш, ташкилий изланишлар нафақат товарнинг сотилиши, реализация қилиниши, товарнинг истеъмолчига етиб боргунга қадар бўлган жараённи ўз ичига олади, балки корхонанинг истиқболли, стратегик режаларини тузишга, корхонани мунтазам фойда билан таъминлаб, уни мунтазам ошириб боришга, корхонанинг донғи кетишига ўз ҳиссасини қўшиб бориши лозим.

3. Чарм-пойабзал саноати корхоналарининг тизимли таҳлили жараёнида энг аввало, бозорлар, корхонанинг бозордаги тутган ўрни, товарлар, истеъмолчилар, рақобатчилар, нарх-наво сиёсати, товарлар ҳаракати жараёнлари, товарни сотиш билан боғлиқ хизматлар, эҳтиёжларнинг шаклланиш тизими ва сотишни рағбатлантириш, реклама фаолияти изланади.

4. Корхона ташкилий ва ишлаб чиқиш структурасини ташкил қилишда бозорнинг турли туман - иқтисодий, демографик, ижтимоий ва бошқа омиллар таъсири остида пайдо бўладиган турли истеъмолчилар категориясининг талабига хос томонларини ўзида акс эттирувчи сегментлар йиғиндиси сифатида ўрганади.

Адабиётлар / Литература/ Reference:

Ансофф И. (1999) *Новая корпоративная стратегия*. - СПб: «Питер», 1999.-416 с.; Ансофф И. *Стратегическое управление: пер. с англ.* -М.: Прогресс, -С. 117.

Бланшар О. (2010) *Макроэкономика. Пер. с англ.* - М.: Высшая школа экономики, - С. 254.

Дубиновский А.М. (2016) *Стратегия развития предприятий кожевенной промышленности. Авторе. дисс. на соиск. уч. ст. к.э.н.* - Нижний Новгород, - С. 7.

Қарор (2018) *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 февралдаги 125-сонли “Ўзбекистон Республикаси давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ахборот хизматлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак!” деган ғоя асосида давлат ва жамият ҳаётидаги муҳим масалалар бўйича ўтказилган матбуот анжуманлари маълумотлари.*

Қарор (2018) *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 майдаги ПҚ-3693-сонли “Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.*

Фармон (2000) *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 23 февралдаги «Республика иқтисодиётининг чарм-пойабзал тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони.*

Фармон (2019) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 февралдаги ПФ-5653-сонли “Ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони.

Фармон (2022) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси» ПФ-«Ўзбекчармпойабзали» уюшмасининг 2005–2011 йиллар учун ўртача йиллик маълумотлари.60-сонли Фармони. // www.lex.uz.

Фармон (2023) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 2023 йил. 10 январь № ПФ-2.